



«FINANCE AUDIT» MCHJ auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Navoiy shoxkuchasi 35 uy, h/r: 20208000300276242001, ТИФ Миллий банк Анд вилоят булими, МФО: 00074, INN:302754484, тел: (90) 254-16-20, email: financeaudit2019@mail.ru

Молия вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Хулоса санаси : 8 апрел 2023 йил

“Хужабод пахта тозалаш” АЖ

Рахбариятига

“Хужабод пахта тозалаш” АЖ манзили ва банк реквизити: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Хужабод туман, Шахрихонсой МФЙ, Гулдиёр кучаси 1 уй, АТБ “Агробанк” Хужабод туман булими, ИНН: 200297131, МФО № 00042, X/p 2021000030028278001

Мен, «FINANCE AUDIT» MCHJ аудиторлик ташкилоти (манзил:17034001, Андижон шаҳри, Навоийшоҳ кучаси 35 уй, ТИФ Миллий банк Андижон булими, МФО 00074, ИНН 302754484, Оқонх 84400, тел: 99890 254-16-20, email financeaudit2019@mail.ru, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Андижон шаҳар давлат хизматлар маркази томонидан 2019 йил 5 январда 17559-тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган ва Молия Вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 00754-сонли лицензия эгаси) ташкилот рахбари, аудитори У.Рахмонова (Бухгалтерлар ва аудиторлар имтихон маркази томонидан 2021 йил 16 декабрда берилган 05843 рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) хужалик юритувчи субъект “Хужабод пахта тозалаш” АЖ нинг тақдим этган молиявий ҳисоботлари ишончилигини **мажбурий** тарзда аудиторлик текширувидан утказдим.

Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Хужабод пахта тозалаш” АЖ томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик буйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ утказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ва утказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик иш режаси асосида текширув утказишни уз ичига олади. Аудиторлик иш дастурини тузиш ва танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос буладиган “Хужабод пахта тозалаш” АЖ **2022 йил 31 декабр** ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

«FINANCE AUDIT» MCHJ
аудиторлик ташкилоти рахбари, САР



У.Рахмонова